

INDEPENDENT INITIATIVES IN INTEGRATION PROCESSES IN CENTRAL ASIA

Sarvinoz Saparboeva
Researcher

Abstract: This study examines the role of independent initiatives in the integration processes within Central Asia, focusing on the geopolitical, economic, and cultural dimensions of regional collaboration. In recent years, Central Asian countries have increasingly sought to assert their independence and develop bilateral and multilateral partnerships, often driven by shared historical ties and mutual interests. The research highlights the significance of grassroots movements, civil society organizations, and non-governmental actors in fostering cooperation and promoting regional stability.

The paper analyzes various independent initiatives aimed at enhancing trade, cultural exchange, and environmental sustainability, demonstrating how these efforts contribute to the broader integration agenda. By utilizing qualitative methodologies, including case studies and interviews with key stakeholders, the study provides insights into the challenges and opportunities faced by these initiatives in the context of Central Asia's complex political landscape.

Furthermore, the findings reveal that independent initiatives not only facilitate collaboration among Central Asian states but also empower local communities and promote civic engagement. The research underscores the need for a comprehensive approach that incorporates the voices of civil society into regional policy-making processes to ensure sustainable development and enhance the effectiveness of integration efforts.

In conclusion, this study contributes to the understanding of integration dynamics in Central Asia by shedding light on the vital role of independent initiatives and their potential to shape the future of regional cooperation.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИНТЕГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ

Сапарбоева Сарвиноз
Тадқиқотчи

Ушбу тадқиқот минтақавий ҳамкорликнинг геосиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатларига эътибор қаратган ҳолда Марказий Осиёдаги интеграция жараёнларида мустақил ташаббусларнинг ролини ўрганади. Сўнгги йилларда Марказий Осиё давлатлари ўз мустақиллигини мустаҳкамлашга, қўпинча умумий тарихий алоқалар ва ўзаро манфаатларга асосланган икки ва кўп томонлама шериклик муносабатларини ривожлантиришга тобора кўпроқ интилмоқда. Тадқиқот ҳамкорликни рағбатлантириш ва минтақавий

барқарорликни рағбатлантиришда оммавий ҳаракатлар, фуқаролик жамияти ташкилотлари ва ноҳукумат иштирокчиларнинг аҳамиятини таъкидлайди.

Мақолада савдо, маданий алмашинув ва экологик барқарорликни оширишга қаратилган турли мустақил ташаббуслар таҳлил қилинади ва бу саъй-ҳаракатлар кенгроқ интеграция кун тартибига қандай ҳисса қўшишини кўрсатади. Сифатли методологиялардан, жумладан, амалий тадқиқотлар ва асосий манфаатдор томонлар билан сұхбатлардан фойдаланган ҳолда тадқиқот Марказий Осиёнинг мураккаб сиёсий манзараси контекстида ушбу ташаббуслар дуч келадиган муаммолар ва имкониятлар ҳақида тушунча беради.

Бундан ташқари, хулосалар шуни кўрсатадики, мустақил ташаббуслар нафақат Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни осонлаштирибина қолмай, балки маҳаллий ҳамжамиятларнинг имкониятларини кенгайтиради ва фуқаролик фаоллигини ривожлантиради. Тадқиқот барқарор ривожланишни таъминлаш ва интеграциялашув саъй-ҳаракатлари самарадорлигини ошириш учун фуқаролик жамияти овозини минтақавий сиёсатни ишлаб чиқиш жараёнларига киритувчи комплекс ёндашув зарурлигини таъкидлайди.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу тадқиқот мустақил ташаббусларнинг ҳаётий роли ва минтақавий ҳамкорликнинг келажагини шакллантиришдаги салоҳиятини ёритиши орқали Марказий Осиёдаги интеграция динамикасини тушунишга ёрдам беради.

Ўтган асрнинг сўнгти йилларига келиб Марказий Осиё республикалари - Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон ўртасида янги ҳамкорлик саҳифалари очилди. Бугунги кунда Марказий Осиё минтақасида ўзаро ҳамкорликка бўлган эҳтиёж янада кўзга ташланмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Бизнинг минтақадаги ўзаро яқинлашувимиз ва ҳамкорликни кенгайтиришимиз – бу замон талаб қилаётган ва орқага қайтмайдиган жараён эканини таъкидламоқчиман. У қатъий сиёсий танловга асосланган бўлиб, чуқур тарихий омилларга эга ва кимнингдир манфаатларига қарши қаратилган эмас”^[1] деб таъкидлаган эди. Минтақада интеграцион жараёнлар вужудга келишининг асосий ташаббускорларидан бири Ўзбекистон Республикаси сўнгти йилларда қатор муваффақиятли ташаббусларни амалга ошириб жаҳон мамлакатлари эътиборини Марказий Осиё минтақасига қарата олди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида “Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё – бош устувор йўналиш” тамойилини амалда татбиқ этишга киришдик. Натижада минтақамизда мутлақо янги сиёсий муҳит яратилди, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик асосидаги алоқалар мустаҳкамланмоқда”^[2] дея алоҳида ургу бериб ўтганлар.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонни янада ривожланишига доир беш устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи йўналиши очиқ, конструктив ва ўзаро манфаатли ташқи сиёсат олиб боришни, шу жумладан, Ўзбекистон атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик камарини яратишни кўзда тутади. Бу Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари билан ҳамкорлик мамлакатимиз учун жуда муҳим эканини яна бир бор кўрсатади.

Сўнгги бир неча йил ичида минтақанинг сиёсий, иқтисодий ва хавфсизлик ҳолатига реал таъсир кўрсатадиган бир қатор ўзгаришлар юз берди. Жумладан, 2017-йилдан бошлаб ўзбек дипломатиясида сифат жиҳатдан бутунлай янги саҳифа очилиб, республикамизнинг ҳалқаро майдонда олиб бораётган фаолияти янги босқичга чиқди, деб айтиш мумкин. Бунинг асосий сабаби – мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган дунёга очиқлик сиёсати, биринчи навбатда яқин қўшниларимиз, Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик жараёнлари янги босқичга олиб чиқилди. Бу эса ўз навбатида Марказий Осиёдаги сиёсий муҳитни яна илиқланишига, ижобий тенденцияларнинг кучайишига сабаб бўлмоқда .

Давлатимиз раҳбари ташки сиёсатда амалга оширилиши мўлжалланган биринчи навбатдаги вазифалар хусусида 2017 йил 17 сентябрида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида «минтақада мутлақо янги сиёсий муҳит яратишга эришилгани» ва «бу тенденциянинг мустаҳкамланиши Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари мунтазам учрашувлар ўтказиши учун имконият яратиши» ҳақидаги янги конструктив ғояларни илгари сурди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йил 10-11 ноябр кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё: бир ўтмиш ва бир келажак, барқарор ривожланиш ва ўзаро фаровонлик учун ҳамкорлик” мавзусида Ҳалқаро Конференция бўлиб ўтди. Ташкил этилган мазкур форум Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қўллаб-қувватланди. БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш конференция иштирокчиларига мурожаат йўллаб, унинг алоҳида аҳамиятга эга эканини қайд этди[3]. Унда Марказий Осиё давлатларининг ташки ишлар вазирлари бошчилигида делегациялар, МДҲ, Европа, Осиё ва Америкадан келган юқори мартабали расмий делегациялар, 10 дан ортиқ ҳалқаро ташкилотнинг раҳбарлари, шунингдек 100 дан ортиқ хорижий эксперт ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Марказий Осиё чегара ҳудудлари ҳокимлари ва ишбилармон доиралари уюшмаларини тузиш бўйича муҳим янги таклиф илгари сурildi. Таклифини илгари сурди. Ушбу ташаббус ҳозирда чегара ҳудудларида минтақалараро ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Шунингдек, Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ўзаро ишончни кучайтириш, мавжуд муаммоларни ўз вақтида ҳал этишнинг муҳим механизми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил ноябр ойида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг доимий маслаҳатлашув учрашувларини ташкил қилиш таклиф этилди ва бу ташаббус минтақа мамлакатлари томонидан кенг қўллаб-қувватланди. Маялумки, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашуви 2018 йил 15 март куни Остона шаҳрида (ҳозирги Нур-Султон) бўлиб ўтди. Саммитда сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш, терроризм, экстремизм, наркографик ва қурол-яроғ контрабандасига қарши биргаликда курашиш, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Марказий Осиё нафақат географик ва геосиёсий, балки ягона маданий ва

цивилизация маконидир, дея эътироф этилди. Бу учрашув Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги муносабатларнинг узоқ давр мобайнидаги турғунлигига барҳам бериб, минтақавий ҳамкорликни кун тартибига қайтарди. Мазкур учрашувнинг эътиборга молик жиҳати жумладан шундан иборат бўлдики, Марказий Осиё доирасида ўзаро ҳамкорликни кучайтиришнинг муҳим концептуал масалалари муҳокама қилинди. Минтақавий ҳамкорликнинг яна бир стратегик муҳим йўналиши – савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришдир. Ўзбекистон ташаббуси билан 2018 йил 15 март куни пойтахтимизда минтақа мамлакатлари Бош вазирлари ўринбосарлари иштирокида Марказий Осиё иқтисодий форуми бўлиб ўтди. Форумда 200 дан ортиқ давлат идоралари, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди. Форум иштирокчилари инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, минтақавий савдони рағбатлантириш, шунингдек сайёҳлик жозибадорлигини ошириш, транспорт ва транзит салоҳиятини ошириш муаммоларини муҳокама қилдилар. Учрашувлар давомида Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги товар айирбошлиш ҳажми 2017 йилга нисбатан 35 фоиздан қўпроққа ўсгани ва 12,2 миллиард долларни ташкил қилгани, аммо мамлакатлар минтақадаги иқтисодий салоҳиятидан ҳали тўлиқ фойдаланилмаётганлиги таъкидланди. Давлат раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш учун 2018 йил 27 март куни “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусида юқори даражадаги Тошкент халқаро анжумани бўлиб ўтди. ташкил этилган мазкур конференция жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотди. Унда иштирок этиш учун мамлакатимизга Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Гани, БМТнинг Афғонистондаги маҳсус вакили Тадамити Ямамото, Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Могерини, шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Францийа, Туркия, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликлари ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари, жами 25 давлат ва халқаро ташкилот вакиллари ташриф буюрди. Мазкур хужжатда минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, барча соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, аҳил қўшнилиқ муносабатларини янада мустаҳкамлаш каби эзгу мақсадлар кўзда тутилган[4]. 2018 йил 22 июн куни БМТ Бош ассамблеяси Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш мақсадида минтақавий ва халқаро ҳамкорликни кучайтириш" бўйича резолюцияни қабул қилди[5].

Европа, Америка, Осиё ва Африканинг 55 мамлакати хужжатга ҳаммуаллифлик қилди ва резолюция БМТга аъзо барча давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди. Ушбу резолюциянинг БМТда бир овоздан маъкулланиши ва қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасининг Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида юритаётган очик, оқилона ва конструктив

ташқи сиёсати туфайли Марказий Осиёда шаклланган мутлақо янги, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик муҳити халқаро миқёсда кенг эътироф этилаётганидан далолат беради. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Иккинчи маслаҳат учрашуви 2019 йил 29 ноябрь куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Минтақа етакчилари трансчегаравий, сувлардан фойдаланиш, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, чегараларни тартибга солиш ва минтақавий хавфсизлик масалаларини муҳокама қилдилар. Тошкентда бўлиб ўтган маслаҳат учрашуви Ўзбекистон янгиланиш ва минтақавий ҳамкорлик йўлидан боришни давом эттираётганини намойиш этди. Минтақа давлат раҳбарларининг кейинги учрашувини Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида ўтказиш режалаштирилди. Минтақа давлат раҳбарларининг мазкур маслаҳат учрашуви музокаралари давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Марказий Осиё тараққиётига ижобий таъсир кўрсатувчи бир қатор муҳим ташабbusларни илгари сурди[6]. Биринчидан, давлатимиз раҳбари минтақа мамлакатларининг улкан туризм салоҳиятини амалга ошириш яна бир истиқболли йўналиш эканлигини инобатга олиб, бунинг учун Марказий Осиёнинг ягона, кўпчилик танийдиган туризм бренди, минтақа учун умумий бўлган жозибадор туризм маҳсулотларини шакллантириш лозимлигига эътибор қаратди. Шу мақсадда Президентимиз “Марказий Осиё бўйлаб саёҳат” халқаро туризм конференциясини ўтказиш таклифини билдириди. Иккинчидан, Марказий Осиёда ягона сайёҳлик брендини яратиш ташабbusи илгари сурилди. Унда минтақанинг сайёҳлик салоҳиятини ошириш учун Марказий Осиё мамлакатларида Силк Роад (Ипак йўли) виза тартибини жорий этиш режалаштирилган. Ушбу режим умумий визани назарда тутади ва чет эл фуқароларига бир вақтнинг ўзида Марказий Осиёнинг бир нечта мамлакатларига тўсиқларсиз боришга имкон беради.

Ушбу ташабbus сайёҳларнинг Марказий Осиё мамлакатларига саёҳат қилишини енгиллаштириш учун илгари сурилган. Лойиҳада Марказий Осиё мамлакатларидан ташқари Туркия ва Ozарбойжон ҳам қатнашиши режалаштирилган. Давлатимиз раҳбарининг бу борадаги ташабbusлари нафақат минтақада, балки халқаро миқёсда кенг қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, 2019 йил декабр ойида БМТ Бош ассамблеяси Ўзбекистон ташабbusи билан “Марказий Осиёда барқарор ривожланиш ва барқарор туризм” деб номланган маҳсус резолюцияни қабул қилди. Учинчидан, давлатимиз раҳбари Тошкентда Марказий Осиё мамлакатлари инвестициявий форумини ташкил этиш, савдо-саноат палаталари раҳбарлари учрашувларини ҳар йили ўтказишни таклиф қилди. Тўртинчидан, Шавкат Мирзиёев сувдан фойдаланиш борасидаги муаммоларни ҳал этишга доир ўзаро келишилган ёндашувларни ишлаб чиқишни таклиф этди. Сувдан биргаликда фойдаланишнинг долзарб масалаларини, минтақанинг мураккаб сув ва экологик муаммоларини ҳал қилишнинг барча учун мақбул ечимини излаш ўзаро келишилган ёндашувларни талаб этади. Инновацион технологияларни жалб қилиш, “яшил иқтисодиёт” тамойилларини татбиқ этиш, чўллашишни бартараф қилиш ва бошқа комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТ

шафелигидаги Оролбўйи миңтақаси учун Траст фонди имкониятларини самарали ишга солишни таклиф этди. Бешинчидан, Афғонистонда тинчлик, миллий муроса ва иқтисодий тикланишга эришишга кўмаклашиш йўлида миңтақа мамлакатларининг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш муҳим эканини таъкидлади. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Афғонистонда муҳим инфратузилма ва ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, ушбу мамлакатни миңтақавий савдо-иқтисодий алоқаларга фаол жалб этишга қаратилган келишилган ёндашувларни ишлаб чиқиш ўта муҳим эканлиги қўрсатиб ўтилди.

Олтинчидан, Президентимиз томонидан илм-фан, маданият ва санъат соҳаларида эришилган салмоқли ютуқлар учун Марказий Осиё мукофотини таъсис этиш, шунингдек, университетлар форумлари ва миңтақавий спорт ўйинларини ташкил этиш таклифини илгари сурилди. Тошкент учрашувида кейинги йиғилишни Бишкекда ўтказиш келишиб олинган эди. Аммо 2020 йилда пандемия туфайли ушбу учрашувнинг ўтказиш муддатини 2021 йилга суришга тўғри келди. Шу муносабат билан алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги қунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг конструктив ташабbusлари билан Марказий Осиё худудида жойлашган давлатларнинг ўзаро ҳамкорлик алоқалари янги сифат даражасида ривожланмоқда. Миңтақада тинчлик, барқарорликва тараққиёт учун янги муҳим сиёсий шарт шароитлар шаклланмоқда. Бунинг тасдиғи ўлароқ миңтақанинг барча мамлакатлари билан савдо айланмасида мисли кўрилмаган ўсиш кузатилмоқда. Масалан, 2018 йилда миңтақа мамлакатлари ўртасидаги товар айирбошлиш ҳажми бир йил ичида 35 фоиз ўсиб, 12,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. 2019 йил натижаларига кўра, Марказий Осиё мамлакатлари билан товар айланмаси 5,2 млрд долларга етди [8]. Ишонамизки, бу каби натижалар келгусида миңтақа мамлакатлари орасида интеграцион жараёнларни ривожланишига ижобий таъсир ўтказади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев.Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. -Т.: Ўзбекистон, 2020. –Б.271
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisiga Murojaatnomasi <https://president.uz/oz/lists/view/1371>
3. O‘zbekiston tashabbuslari mintaqaning umumiy taraqqiyotiga xizmat qiladi <https://mfa.uz/uz/press/news/2017/ozbekiston-tashabbuslari-mintaqaning-umumiy-taraqqiyotiga-xizmat-qiladi---14736>
4. Afg‘oniston bo‘yicha Toshkent deklaratsiyasi qabul qilindi <https://aza.uz/oz/posts/afg-oniston-bo-yicha-toshkent-xalqaro-konferensiyasi-deklara-27-03-2018>
5. BMT Bosh Assambleyasining “Markaziy Osiyo mintaqasida tinchlik, barqarorlik va izchil taraqqiyotni ta’milash bo‘yicha mintaqaviy va xalqaro hamkorlikni mustahkamlash” rezolyutsiyasi qabul qilinishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasi Tashqi ishlar <https://aza.uz/oz/posts/bmt-bosh-assambleyasining-markaziy-osiyo-mintaqasida-tinchli-23-06-2018>

6. Минтақада барқарор тараққиётга эришиш йўлида <https://president.uz/uz/3105> 7. Markaziy Osiyodagi kelishmovchilikning asosiy sababi murosaning yo‘qligi edi <https://www.gazeta.uz/oz/2020/07/14/nematov-markaziy-osiyo-integraciya/>